



ИШОНЧ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 25 апрел, сешанба №58 (890)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҲБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ГАЛАБАСИ

Қирғизистон пойтахти - Бишкекда от спорти бўйича Жаҳон кубогининг навбатдаги босқичи якунланди. Бу мусобақада ҳамюртларимиз галаба қозонди.

Кескин курашлар натижасида умумжамоа ҳисобида Ўзбекистон терма жамоаси биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин қирғизистонлик спортчиларга, учинчи ўрин эса қозогистонликларга насиб этди.

Шунингдек, шахсий ҳисобида ҳам юртдошимиз Файрат Назаров голиб чиқиб, «Миллатлар кубоги» соҳиби бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН - РОССИЯ: АВИАЦИЯ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

Тошкентда «Ўзбекистон - ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва Россиянинг «Ист Лайн» авиакомпанияси ўртасида ҳаво транспорти соҳасида ўзаро фойдали ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги битим имзоланди.

Шуни эслатиб ўтамизки, 1994 йилда Москвада Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ва Россия Федерацияси ҳукумати ўртасида ҳаво катнови ҳақидаги келишув доирасида стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги дастлабки битим имзоланган эди.

Янги битим Ўзбекистон ва Россия ўртасида ҳавода юк ташиш бозорини янада ривожлантириш, ҳар икки давлатда авиация корхоналари хизматларига бўлган талабнинг ўсишини рағбатлантириш, давлатла-

римиз авиация саноатининг ривожланишига фаол қўмаклашиш, томонларнинг халқаро ва ички ҳавода юк ташиш бозорларидаги мақеани мустаҳкамлаш мақсадида тузилган.

Томонлар битимни амалга ошириш доирасида нарх белгилаш, тижорат хизмати кўрсатиш, йўловчилар, юк ва почтани расмиyllаштириш ҳамда ташиш соҳасида келишилган сиёсатни олиб бориш, ҳаво қатновини таъминлашга доир ташкилий тузилмани яратиш ва такомиллаштириш борасида тажриба алмашиш, биргаликда маркетинг тадқиқотлари ўтказиш, ўзаро ҳисоб-китобларни осонлаштирувчи тизимлар, ҳар икки авиакомпаниянинг хорижий ваколатхоналаридан биргаликда фойдаланиш дастурларини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш-

ни мўлжаллаган.


- Биз кўп йиллардан бери Россиянинг «Аэрофлот», «Сибирь» ва бошқа авиакомпаниялари, «Шереметьево», «Домодедово» аэропортлари билан муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келмоқдамиз, - дейди «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси бош директори А.Рўзметов. - «Ист Лайн» авиакомпанияси билан ҳам муносабатларимиз яхши. Беш йилдан буён мазкур авиакомпаниянинг дунёнинг турли жойларидан Москвага йўловчи ва юклар ташиш бўйича буюртмаларини бажариб келяпмиз.

Россия ва МДХ давлатларида Тошкент орқали жаҳоннинг турли мамлакатларига, айниқса Жануби-Шарқий Осиё давлатларига учигна талаб барқарор суръатда ўсиб бормоқда.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси бу борада қўлай ва қисқа йўналишларни таклиф этади. Биз энг замонавий техника - А-310, Боинг-757, 767 самолётларидан фойдаланамиз. Йўловчиларга жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатилади. Бундан ташқари, Россия билан кўп соҳаларда ҳўжалик ва дўстона алоқалар сақланиб қолганлиги мазкур давлатнинг авиацияда юк ташиш бозоридидаги фаолиятимизни осонлаштиради.

Ўзаро фойдали ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги битимнинг имзоланиши давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ва ҳамжихатлик ўсиб бораётганлигидан далолат беради.

Д.САИТОВА, ЎЗА МУХБИРИ.



Республика шoshiлинч тиббий ёрдам илмий марказининг Андижон вилояти бўлими олиб бораётган ишлар таҳсинга лойиқдир. Бўлим қошида 320 ўринли шифохона фаолият кўрсатмоқда. У ерда беморларга замон талаблари асосида тиббий хизмат кўрсатишмоқда. Бўлим замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Бу ерда тўпланган иш тажрибалари қўшни вилоятлардаги ҳамкасбларни ҳам қизиқтирмоқда.

Суратларда: 1 ва 2. Шoshiлинч тиббий ёрдам кўрсатиш Андижон филиали биноси. 3. Ҳамшира Алла Айрапотова.

Бахтиёржон ҲАМРОКУЛОВ олган сурат

Шахмат

РУСТАМ - ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИДА

Наманган шаҳри «Шоҳмот» клубида ўтказилган йирик шахмат мусобақаси поёнига етди. Қозогистон, Ўзбекистон, Туркменистон, Қирғизистон ва Тожикистоннинг энг кучли 13 нафар шахматчиси бир неча кун давомида жаҳон чемпионати баҳсларида қатнашиш ҳуқуқини берувчи икки йўлланма учун мurosасиз кураш олиб бордилар. Мутахассислар мусобақада жаҳон чемпионати аввалида мазкур икки йўлланма учун «жанг»лар асосан ҳамюртларимиз Рустам Қосимжонов ва Александр Ненашев ҳамда қозогистонлик гроссмейстер Евгений Владимировлар ўртасида кечилиши тахмин қилишганди. Шу боис ҳам улар ўртасида бўлиб ўтган учрашувлар барчада катта қизиқиш уйғотди. Турнир якунида эса қутилганидек бу уч гроссмейстер бир хил - 12 имкониятдан 9,5 очко жамғаришга муваффақ бўлдилар.

Жаҳон чемпионатида эса юқорида таъкидлаганимиздек, фақат икки нафар шахматчи йўл олиши керак эди. Шунинг учун ҳам ФИДЕ розилиги билан улар ўзаро икки мартадан, жами олти партия донда сурдилар. Мазкур қўшимча баҳсларни кўтаринкилик билан ўтказган Қозогистон шахматчиси Евгений Владимиров ва Рустам Қосимжоновлар жаҳон чемпионати финал босқичида қатнашадиган бўлдилар. Яна бир ҳамюртимиз А.Ненашевга эса омад кулиб боқмади.

Р.ҚУРБОНОВ, «Ишонч» мухбири.

ШОГИРД ШАРАФИ

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги ва Халқаро Қизил Хоч ташкилоти Нукусда «Ишонч ва жамият» мавзуида ўқувчиларнинг қўшимча ўқув предметларни ўрганишига бағишланган танлов ўтказди. Унда шахар ва туманлардаги дастлабки босқичда голиб бўлган ўқувчилар қатнашди. Тўртқўл туманидаги 30-мактабнинг учинчи синф ўқувчиси Г.Ўрозимбетова биринчи ўринни эгаллаб, мамлакат миқёсида ўтказилган шундай танловда голиб бўлган ўқувчилар қатнашди. Тўртқўл туманидаги 30-мактабнинг учинчи синф ўқувчиси Г.Ўрозимбетова биринчи ўринни эгаллаб, мамлакат миқёсида ўтказилган шундай танловда голиб бўлган ўқувчилар қатнашди. Тўртқўл туманидаги 30-мактабнинг учинчи синф ўқувчиси Г.Ўрозимбетова биринчи ўринни эгаллаб, мамлакат миқёсида ўтказилган шундай танловда голиб бўлган ўқувчилар қатнашди.

Эркин ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

БИРОДАРЛИК ДАСТУРИ

«Тошкент-Аэро» ихтисослашган божхона мажмуининг бир гуруҳ ходимлари Манчестер сафаридан қайтишди. Бу ўзбекистонлик божхона ходимларининг Евробожхона томонидан ташкил этилган «Тошкент - Манчестер - биродарлашган аэропортлар» TFCIS дастури доирасидаги жавоб ташрифи бўлди.

Ўтган йилнинг ноябр ойида «Тошкент-Аэро» ихтисослашган божхона мажмуи ходимлари британиялик ҳамкасбларини қабул қилишган эди.

— Манчестер аэропорти бир неча асрлардан буён «Божхона ва Ҳазрати Олияларнинг акцизлари» номи билан юридикал равишда Британия божхонасининг шимоли-ғарбий округи таркибига кирди, - деди делегация раҳбари «Тошкент-Аэро» ихтисослашган божхона мажмуи бошлиғи Шарифжон Эгамбердиев «Туркистон-пресс» мухбирига. — Нима учун айнан бизнинг аэропортлар биродарлашди, деган савол туғилди. Манчестер аэропорти йўловчилар ҳамда юкларни божхона кўригидан ўтказиш ҳажми бўйича анча устун бўлса-да, жўгрофий ўрни ва кўламларига кўра Тошкент аэропортига яқин туради. Бундан ташқари, инглиз божхоначилардан кўп нарса ўрганишимиз мумкин.

Урашувлардан шунки қўрсатдики, Манчестер божхонаси фаолияти, асосан, давлат бюджетига катта зарар келтирувчи гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний ҳаракати, тамаки ва спиртли ичимликлар контрабандасининг олдини олишга қаратилган.

— Олдимизда ўхшаш вазифалар турлибди, - давом этди Ш.Эгамбердиев. — Гиёҳванд, портловчи модда ва қуролларни аниқловчи замонавий асбоблар, замонавий компьютер тизими мавжудлигига қарамай, манчестерлик божхоначилар синалган анъанавий усулларини қўллашади. Йўловчиларни жисмоний кўриқдан ўтказиш, декларацияларни текшириш ёки тана бўлиғига яширилган гиёҳванд моддаларни аниқлаш бўйича тиббий тестлар шулар жумласидан.

«Биродарлик дастури» узок муддатга мўлжалланган. Ўзаро ҳамкорлик икки томон учун ҳам ижобий натижалар бериши шубҳасиз.

«Туркистон-пресс».

Бошланғич ташкилот кўп ишга қодир

Бозор иқтисодиёти шароитида иш юритишнинг мураккаблиги ҳеч кимга сир эмас. Бундай шароитда меҳнаткашлар ишончини оқлашнинг ўзи бўлмайди. Шунга қарамай кўпгина бошланғич касаба уюшма ташкилотлари мақсадга эришмоқдалар. Шу нуқтага назардан Тойлоқ туманидаги Улуғбек номли жамоа ҳўжалиги касаба уюшма кўмитаси фаолияти хусусида қониқиш билан сўз юритиш мумкин.

Меҳнат муносабатларини жамоа шартномаси асосида тартибга солиш амалиёти бир неча йиллардан буён қўлланилмоқда. Шунга қарамай, Ўқтам Сувонов касаба уюшма кўмитаси раислигига сайланган пайтларда жамоа ҳўжалигида бу масалаларга етарли эътибор берилмасди.

— Тажрибасизлик туфайли вақтни бой берганимиздан ҳануз афсусланаман. Аммо, йиллар сабоғидан хулоса чиқариб олдик, - дейди у. - Авваллари жамоа шартномасини бажариш иккинчи даражали деб қараларди.

Етакчининг гаплари айни ҳақиқат. 1998 йилгача ҳўжалик молиявий-иқтисодий аҳолини қониқарли деб бўлмасди. Ишлаб чиқаришнинг галачилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, чорвачилик каби асосий соҳаларида паст натижалар қайд этилди. Бунинг бир сабаби баҳор об-ҳавосига боғлиқ бўлса, иккинчиси меҳнатдан манфаатдорлик даражасига боғлиқдир. Зотан, иш ва дам олиш шароити кўнгилдагидек бўлмаса, қўзланган мақсадга эришиш қийин. Буни биттагина мисолда кўриш мумкин. Айтайлик, 1996 йилда жамоа шартномасида меҳнат муҳофазасига 345 минг сўм ақратиш кўзда тутилган бўлса, бу кўрсаткич 1998 йил-

да 223 минг сўмга тушиб кетди. Кейинги йиллардагина ҳўжалик иқтисодиёти юксалиши билан бу каби масалаларга, умуман жамоа шартномасини бажаришга эътибор қўйайтирилди.

Бу ўз-ўзидан бўлгани йўқ, -

МОДДИЙ МАНФААТДОРЛИК

ТАЪМИНЛАНСА МЕХНАТЧИЛАР СИДҚИДИЛДАН ИШЛАЙДИЛАР

дейди ҳўжалик бошқаруви раиси М.Тўраев. - Аввало, одамларни қилган меҳнатларига яраша бошқарув томонидан гаумҳўрлик қилишига, манфаатдорлик ошишига ишонтирдик. Шу туфайли 1998 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш ривожланди. Бултур эса бу натижалар мустаҳкамланди. Умуман бир гектар ердан ўртача 125 минг сўм даромад олинди. Бу кўрсаткич галачиликда 300 минг, сабзавотчиликда қарийб 400 минг сўмга етди. Ишчиларнинг манфаатдорлиги ҳам мутаносиб равишда ошди. Бундан ташқари ҳўжалик иқтисодиётининг мустаҳкамланиши ижтимоий масалаларни, жумладан, меҳнат қўрилари яхшилашга имкон берди. Қисқаси, деҳқонларимиз ҳам ўз ишларига мувофиқ имтиёزلардан

бахраманд бўла бошлашди.

Дарҳақиқат, ўзгаришлар кўзга ташланиб қолди. Чорвачилик фермасида, техника ўстахонасида иш ва дам олиш шароитлари яхшиланди. Дала шийпонлари қайтадан жиҳозланди. Ўтган йили ҳўжалик меҳнаткашларининг ўн нафари республика сихатгоҳларида, бир қанчаси тумандаги профилакторийда саломатликларини тиклашди. Бундан ташқари, ҳар йили меҳнаткашларнинг 35-40 нафар фарзандлари ёзги оромгоҳларда хордик чиқариши одат тусини олган. Бу тадбирлар-

нинг амалга оширилишида касаба кўмитасининг фаол иштироки бор, албатта.

Иш шароитини яхшилаш меҳнатни муҳофаза қилишнинг биринчи шартидир. Холбуки, бу масала илгарилари эътибордан четда қолганини юқорида айтдик, - деб сўзида давом этади касабакўм раиси Ў.Сувонов. - Вазиятни ҳолис таҳлил қилиб, масала тўғрисида туфайли бу йил меҳнат муҳофазасига 580 минг сўм ажратилишига эришдик. Бу олдинги йилларга нисбатан қарийб икки баравар кўндир. Чунки биз бир нарсга ошқора ёндошдик. Масалан, ўтган йили ҳўжалик аъзоларидан икки нафари, бири 1971 йилда ва иккинчиси 1984 йилда, ишлаб чиқаришда жароҳат олгани аниқланди.

Муаммо кўндаланг қўйилади

Мустақиллик йилларида Урганч шаҳрида кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Бир-биридан шинам бинолар, хиёбонлар шаҳар хусусига-хусус қўшди. Жалолиддин Мангуберди ёдгорлик мажмуаси, Ал-Хоразмий, Ал-Беруний зибратгоҳлари, архитектура жиҳатидан ўзига хос бўлган маъмурий бинолар эндиликда барчани лол қолдирмоқда.

Шундай бўлса-да ечимини кутаётган муаммолар, камчиликлар ҳам кам эмас. Гап шундаки, ободонлаштириш, қўқаламзорлаштириш борасида талайгина тадбирлар амалга ошириляпти, қанчадан-қанча маблағ сарфланмоқда. Лекин самара кутилгандек эмас. Дарахт ўтказиш осон, уни кўкартириш қийин. Расмий маълумотларга қараганда, кейинги беш йил ичида Урганч шаҳрига бир миллионга яқин мевали ва манзарали да-

рахт кўчатлари ўтказилган. Афсуски, шунинг ярмидан кўпи қуриб қолган.

Камчиликларга барҳам бериш, кўпчиликни ўйлантираётган муаммоларни имкон қадар ҳал этиш мақсадида аҳоли яшайдиган пунктларни ободонлаштириш, санитария ҳолатини яхшилаш мақсадида икки ойлик ўтказилди. Унга кўра аксарият кўчаларни сув билан таъминлашга эътибор қўйайтирилди. Маҳаллалар йирик ташки-

лотларга бириктирилди. Кўпнинг кучи билан 14 та кичикроқ сув насослари, 8 та чиқир орқали Урганчнинг ярмига яқин кўчасини обихаёт билан имкон қадар таъминлашга эга бўлинди. Бахтга қарши сув муаммоси ҳамон кўпчиликнинг бошини

Янгиариқ, Гурлан, Қўшқўпир туманларига ёз жазирасида сув бормасди. Аҳоли ер кудуги сувидан ичишга мажбур бўляпти. Бу эса инсон саломатлигига муайян даражада зиён етказилаётти деганидир.

Яна бир масала ҳақида алоҳида тўхталиш жоиз. Шаҳарнинг айрим кўчаларига йиллаб оқар сув келмаётганлигидан фой-

белгиланган режа асосида олиб боришга, қолаверса сел ва кучли ёгингарчиликлар даврида оқова сувларни чиқариб ташлашда жиддий тўсиқ бўлмоқда. Ўзаро текширув жараёнида 1041 та ана шундай ўзбошимчалик, тартиб бузарлик ҳолатлари аниқланди. Баъзилар уйлари ёнига қонунсиз қурилишларни қуриб ташлаганликларини

зиқиб қутишяпти. Жумладан, «Жинговуз» маҳалласининг биронта кўчаси аҳли обихаётга ёлчиганлик билан мактаб бўлмади. «Наврўз» шаҳарчасида эса аҳоли бундан ташвишли. Бир сўз билан айтганда, апрел ойининг бошларида 50 та кўчадан биттасигагина оқар сув борганлиги кўп нарсани аңлатади. Фуқаролар ўринли эъти-

ниб топширилган вази-фани сидқилик адо эт-моқдалар. Айниқса, вило-ят сув қурилиш трести, ирригация қурилиш трести маҳаллаларга бемин-нат ёрдам кўрсатишмоқ-далар. Ариқ ва заҳкашлар-ни тозалаш, қувурлар ёт-қишиш, тегишли иншоот-ларни қуришда алоҳида намуна бўлишмоқда. Би-роқ, «Хоразмқурилиш» ҳиссадорлик жамияти, шина ремонт заводи ишончли оқлай олмаляпти.

Маълумки, воҳа Оролбўйи худудидида жой-лашган. Хар йили замин-га кўплаб тузли чанглар келиб тушяпти. Бу Урганч шаҳри аҳолиси саломатлиги ҳақида алоҳи-да меҳрибонлик қилиш, қўшимча чора-тадбир-ларни белгилашни тақоз-о этади. Масаланинг нақадар ҳаётий эканлиги-ни мутасаддилар яхши тушунадилар, деб ўйлай-миз.

Эркин ЭРМАТОВ, «Ишонч» мухбири.

ДАРАХТ ЎТҚАЗИШ ОСОН

уни кўкартириш қийин

қотирган. Оқар сув тақ-чилиги туфайли хона-донлар эгалари томорқа экинини Туямўйин сув омборидан 100 километ-рдан зиёд йўл босиб етиб келаётган ичимлик сув билан сугораяпти. Оқибат натижада Хива,

даланган айрим кимса-лар ўз эшиклар олдида-ги ариқлар, йўлчаларни йўқотиб, кўчанинг бир қисмини темир панжар-лар билан ўраб олишган. Бу йўл ҳаракатини тар-тибга солиш, қўқалам-зорлаштириш ишларини

га нима дейсиз? Бундай-ларга жарима солинди, ўзбошимчалик билан бунёд этилган қурилишлар бузиб ташланди.

Айни вақтда баъзи кўчаларнинг аҳолиси ичимлик суви сөрөб бўладиган фурсатни ор-

роз билдиришмоқда. Ша-ҳар раҳбарияти бу маса-лага вақтида эътиборни қаратганида муаммо бал-ки бу қадар мушкулла-шиб кетмаган бўлар эди. Адолат юзасидан айт-ганда, қатор оталиқ таш-килотлар ўзларига ишо-

ХУҚУҚИЙ МАСЛАХАТХОНА

Саволингизга ҳуқуқшунос Ҳамидулла ПРЕМКУЛОВ жавоб беради.

САВОЛ: Касб касаллиги бўйича II гуруҳ ногирониман. Автомашинам учун 100 фоиз солиқ тўлаяман. Шу тўғрими?

Ҳ.СОЛИЕВ,
Сўх тумани.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексининг 93-моддасида жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича имтиёзлар белги-ланган. Унга биноан хизматни ҳарakatдаги армия таркибига кирган ҳарбий қисмлар, штаблар ва муассасаларда ўтаган ҳарбий хизматчилар, шунингдек, собиқ партизанлар жумласидан бўлиб, 1941-1945 йиллардаги уруш ҳамда

бошқа жанговар операциялар қатнашчиларининг, хизматни Афғонистон Республикасида ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган вақтинча бўлган кўшинларнинг чеklangан контингенти таркибида ўтаган ҳарбий хизматчилар ҳамда ўқув ва синво йиғинларида чакирилган ҳарбий хизматга мажбурларнинг транспорт воситаларига солиқ солинмайди. Ногиронларнинг мутоаравачалари ва кўлда бошқариладиган автомобилларига ҳам солиқ солинмайди.

Юқоридиган кўриниб турибдики, Сиз бу борада имтиёзга эга эмассиз. Аини вақтда айтиш кераки, юқорида қайд этилган Кодексининг 58-моддасига биноан Сизга касб касаллигининг учун тўланаётган тавон пулидан солиқ олинмайди. I ва II гуруҳ ногиронлари даромадларидан солиқ тўлашда ҳам қистинман имтиёзга эгалар, яъни улар энг кам иш ҳақининг тўрт бараваридан юқори бўлган даромадларидан солиқ тўлайдилар ва улар ер солигини тўлашдан ҳам озод этилганлар.

Муносабат

— Ҳеч қимдан қарз-хавола кўтармасдан бир сменада олти тонна сутни қайта ишловчи завод қуриб, ишга туширдик. Эндиликда қаймоқ, сузма, пишлоқни идишларга қадоқлаб, сотувага чиқараёмиз. — дейди «Туркистон-пресс» муҳбири билан суҳбатда Бухоро вилоятги Пешку туманидаги «Фаттов» фермер хўжалиғи раиси Ёқуб Фаттов. Фаолиятимизни ўн бош қорамолни парвартиришдан ва икки гектар ерда деҳқончилик қилишдан бошлаган эдик. Бугунги кунда хўжалигимизда 95 бош қорамол, 22 гектар ер майдони бор. Мақсадимиз — кишлоқ хўжалик маҳсулотлари еттиштиришни кўпайтириш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни тўлиқ йўлга қўйишдан иборат.

ТАБИАТ ИНЪОМИ УВОЛ БЎЛМАЙДИ

Ёз, куз ойларида мевачевалар гарқ пишади. Уларни вақтида сарғайиб ололмаймиз. Бир томондан табиад инъом этган нознеъмат увол бўлса, иккинчи томондан даромадни бой берамиз. Шуларни ўйлаб, ҳисоб-китобни пухта қилсак, завод биносини гаровга қўйиб, хорижий сармоялар иштирокида мева ва сабзавотларни қайта ишловчи қўшма корхона барпо этиш учун исроиллик ва немислик ишбилармонлар билан шартнома туздик. Қўшма корхона жорий йилнинг иккинчи ярмида ишга туширишни режалаштирдик. Утган йилни бир миллион 910 миң сўм соф фойда билан яқунлаб, шундан 580 миңини хайрия тадбирларига сарфладик. Бу йил соф даромад олиш учун тўрт баробар ортади. Оталигимиздаги 18-ўрта мактабга ўқув қуроллари, жиҳозлар олиб бердик. Мактаб ошонасини доимий равишда сут ва гўшт билан таъминлаб туришни, хўжалигимизда меҳнат қилаётган 30 га яқин кишининг моддий фаровонлигини таъминлаш, истеъодли болаларнинг келгусида олий илм даргоҳларида билим олишлари ҳамда хўшҳадан кўмаклашишни ҳам эзиммаизга олганмиз, деди пировардида Ёқуб Фаттов.

МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ МУКАММАЛ БЎЛСИН

Бозор иқтисодиёти шароитида иш юритишнинг энг самарали воситаларидан бири шартнома асосида фаолият бўлади. Янги йил бошланиши билан шартномалар ишлаб чиқариш қоронгалари, ташкилот ёки хўжаликнинг ички иқтисодий-ижтимоий имкониятидан келиб чиққан ҳолда ўзгартирилиб, муҳома қилинади ва янгили кулға кирди. Иш берувчи ва ишловчи ўртасида шартнома бевосита асосли қонун-қоида тимсолига айланади. Албатта, бунда томонлар мумкин қадар ўз манфаатларини кўпроқ эътиборга олиб ҳаракат қилишлари табиий ҳол. Бу овоз бериш ва шартномани тасдиқлаш жараёнида ҳам талаб, истакларни баён этиш орқали намоеён бўлади. Ривожланган мамлакатларнинг бу борадаги иш тажрибалари анчагина эътиборга моликдир.

Мисол учун, ҳиссадорлик жамиятларида мулкка эгаллик ҳисси ишга бўлган муносабатни тубдан ўзгартиришни тақозо этади. Шунга яраша меҳнат шартномасида ҳам бу ўз аксини топади. Яъни, ишчи йил давомида ўз дастгоҳини қанчалик эҳтиётлаб, ундан фойдаланса, таъмирлашга эҳтиёж йўқлигини кўрсата оلسа, у рағбатлантирилади. Ахир, ҳўжасизлик ва бепарволик ҳиссадорларга қимматга тушади-да.

Қорақалпоғистон Республикаси пиллакорлари ипак курти парвартиришга ўтган йилга нисбатан ярим ой олдин киришди. Жорий йилда Оролбўйи худудидида хўжаликларда 12 миң 400 қути қурдан 650 тонна пилла ҳосили олиш режалаштирилган. Бу ўтган йилгидан 105 тонна кўлдири.

ХАЙРЛИ ҚАДАМ

— Биринчидан, бу йил 634 қути ипак курти кўп парвартиришга, дейди Қорақалпоғистон Республикаси «Пилла» ҳиссадорлик бир-лашмаси раиси Болтабой Холмуродов. — Шу мақсадда Хитойдан 8 миң 800 қути сержосил ва чидамли ипак курти келтирилди ва асосий пилла етиштирувчи худудлар — Амударё, Тўртқул, Эликкальва ва Беруний туманлари хўжаликларига етказиб берилди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг пиллачиликини ривожлантириш тўғрисидаги қарорига кўра соҳа озунга базаси мустақамланмоқда. Мавзуд 1919 гектар тўртзорлар ҳамда арик-зовурлар, пайкалар четидидаги 3,5 миллион туп тўт кўчати оби-тобди парвартирилди. Бу йил ўтказилган 220 миң туп тўт кўчатининг ҳам ривожланиши яхши.



Давран АҲМАДОВ оғлан сурат.

Шарҳловчи минбари

Сўнгги вақтларда Зимбабведа бўлаётган нохуш воқеалар халқро ҳамжамиятини жиддий таъшишга солаётди. Гап шундаки, ушбу давлатда қарийб уч ойдан буюн оқ танли фермерлар билан мамлакат озошлик кураши фахрийлари ҳаракати ўртасида жиддий тўқнашувлар юз бермоқда. Маълумотларга қараганда, ушбу оралиғида фахрийлар минга яқин оқ танли фермернинг ер ва мол-мулкни тортиб олган, уйларига ўт қўйган, қаршилик кўрсатганлари эса шафқатсиз жазоланган. Икки нафар оқ танли фермер ҳалок бўлди. БМТ Бош қотиби Кофи Аннан Зимбабведига можороларни кескин қоралади ва мамлакат президенти Роберт Муга-

Бекобод шахрида қурилиш ишлари жадаллик билан амалга оширилмоқда. Владимир Мелников раҳбарлигидаги «Лимлюк» хусусий фирма қурувчилари шахарликларга ёзги ва қишки 300 ўринга мулжалланган тўйхона, ёшларга «Ешлар уйи» даги монтаж ишларини амалга оширмоқдалар.

Суратда: «Лимлюк» хусусий фирмасининг пайвандчиси Эмирсафи Куртматов.

Давран АҲМАДОВ оғлан сурат.

Хориж билан ҳамкорлик

Ҳар бир жамиятнинг энг оғриқ нуқтаси, бу ишсизликдир. Статистика маълумотларига келтирилган рақамлар нечани кўрсатишидан қатъи назар у юзага келган ҳолатни тўла фойдаланмайди. Чунки ҳар бир ишсиз ортида у бутун масъулиятни зиммага олган оила - камиди яна иккинчи киши тақдирини ётади. Хўш, бу муаммо Японияда қандай ҳал этилмоқда, иш билан таъминлаш шаклларининг қай биридан кўпроқ фойдаланилади?

Ҳозирги вақтда иқтисодиётда юзага келган инкросоли вазиятда ижтимоий фаровонликни таъминлаш мақсадида Меҳнат вазирлиги ва касба уюшмаларининг қўллаб-қувватлаши билан Японияда ишчи-хизматчилар бандлиги юзасидан бир қатор янги дастурлар кенг миқёсда амалга оширилмоқда. Бу, айниқса, ишсизлик «таъшишли» деб ҳисобланган ва у 3,4 фоизни ташкил этган 1998 йилдан сўнг яққол кўзга ташланаётди. Олинган маълумотларга қараганда, ўша йилги бир ишчи ўртача бир йилда 1966 соат меҳнат қилган. Бу немис ишчисини билан қийёслаганда 424 соат, француз ишчисига нисбатан 287 соат кўп дерадик. Боз устига белгиланган иш вақтидан сўнг қолиб ишлаш ҳам баъзи корхоналарда 271 соатга қадар чўзилиб кетган.

Бундай шароитда иш кучидан фойдаланиш ва унга ҳақ тўлаш биринчи даражада ижтимоий аҳамият касб этади. 1995 йилдан бери Японияда таркиб топган амалиётга мувофиқ, шунингдек, ишчи ва хизматчиларнинг мустақил равишда ишга жойлашиши ҳамда одатда кўра бир корхонадан иккинчисига ўтишидан келиб чиққан ҳолда, йирик корхоналар «шукко», яъни ишчинини ўзларига тегишли бир филиалдан иккинчисига ёхуд бир компаниядан бошқасига вақтинча ўтказиш тартибини қўллаб бошладилар. Компаниядан компанияга ўтказилиши яна бир тури борки, уни японлар «тенсеки» деб атайдилар. Бунда ишчи муддати кўрсатилган ёхуд кўрсатилмаган ҳолда компаниялар ўртасидаги ўзаро шартнома бўйича бир ишдан иккинчисига ўтказилиши ҳам мумкин.

«Шукко» ва «тенсеки» ишчи - хизматчиларни бошқа компанияга расм бўлган одатий ўтказишдан тубдан фарқ қилади. Энг аввало бунда иқтисодий мақсадга мувофиқлик ҳисобга олинади. Айрим қишқик ва ўрта компанияларнинг қўйиб, баъзиларнинг эса ёпилиши муносабати билан малакали ва ис-

тиқболли ишчи кучларидан унумли фойдаланиш ва албатта, ишсизлик бу тизимнинг афзалликлари қўп. Унинг самарадорлиги маълум бўлган, шунингдек, ишчи-хизматчиларнинг манфаатдорлиги ҳам инобатга олинаётганлигида ишонч ҳосил қилинган, энг муҳими, касба уюшмаларининг қўллаб-қувватлаши билан вақтинча иш билан таъминлаш ҳамда компаниялар ва корхоналар ўртасида меҳнат ресурсларини айирбошлаш практикаси аста-секин кенг қўлам касб эта бошлади. Худди шу «шукко-тенсеки» дастури ёрдамида 1996 йили 26,1 фоиз ишчи ва хизматчи иш

3. ЯПОНИЯДА ЎН БЕШ КУН

жойига эга бўлди. Худди шу вақт ичида меҳнат биржаси ёхуд ҳар бир йирик корхона қошида тўзилган ишчи кучи хизмати орқали 29,9 фоиз киши ишга жойлашди.

Япон иқтисодчиларининг таъкидлашларича, бир турдаги компаниялар ўртасида меҳнаткашлар гуруҳини айирбошлаш практикаси нафақат ижтимоий барқарорликни сақлашга, шу билан бирга ишлаб чиқариш алоқалари ҳамда компаниялар ўртасидаги ўзаро муносабатларни мустақамлашга, боз устига қўшимча сарф-харажатларсиз ёки илмий ишланмаларни жорий қилишларисиз ҳам технологияларни тақомиллаштириш ва япон маҳсулотларининг рақобатдорлигини оширишга ҳам хизмат қилмоқда. Аини вақтда, «шукко» дастури бўйича бошқа корхонада вақтинча ишлаётган меҳнаткаш «тенсеки» тизимига ўтиб ишлаши ёхуд ҳатто ҳар икки дастур бўйича фаолият кўрсатётган компанияларнинг ўзаро келишувига қараб янги иш жойида доимий ишлаб қолиши ҳам мумкин.

Айтиш лозимки, ишчилар учун «тенсеки» тизими ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган ва истиқболли деб ҳисобланади. Чунки, «тенсеки» асосан ёш, малакали ишчиларга нисбатан қўллангани учун ҳам ўрта ва катта ёшдаги кишилар одатда қисқа муддатли дастур бўйича вақтинча иш жойи билан таъминловчи «шукко» билан қаноатланишга мажбур бўлмоқдалар.

Бинобарин, ишга жойлаштиришнинг мазкур тизимларидан айниқса «шукко» дастуридан ишловчиларнинг бир қисми унчалик қониқчи ҳосил қилмаётирлар. Масалан,

«шукко» дастуридаги 35,5 фоиз меҳнаткашлар бир қадар барқарор дастур - «тенсеки»да қатнашиш истagini билдирмоқдалар. Шу билан бирга 27,8 фоиз ишчилар иш жойини мустақил равишда топишни ва у иш берувчи фирма билан узоқ муддатли шартнома асосида ишлашни хоҳламоқдалар.

Шундан келиб чиқиб, касба уюшмалари компаниялар олдига бир қатор талаблар билан чиқмоқда. Хусусан, уларнинг асосли тавсиялари натижаси ўлароқ меҳнаткашларни «шукко» ва «тенсеки» тизимларига кўнгилли равишда жалб этиш сўнгги пайларда кўпайиб бормоқда. Мисол учун, 1997 йили иш жойини ўзгартиришга мажбур бўлганларнинг 17,7 фоизи ўзлари ўтаётган янги компанияларга фикр-мулоҳазаларини билдириш имконидан фойдаландилар.

Ўқоридагилардан кўриниб турибдики, ҳатто фаровон Японияда ҳам ўзига яраша муаммолар мавзуд. Лекин, энг муҳими, уларни оғирбосиклик билан, ҳеч бир томоннинг манфаатларига зид бормаган ҳолда етишга интилиш бор. Бунда, шубҳасиз, касба уюшмаларининг қатъий позицияси катта аҳамиятга молик. Ва у ижтимоий барқарорликни сақлашда жамиятнинг фаол мурват эканлигини амалда исботлаб келётганлиги учун ҳам меҳнаткашлар ишончини қозонмоқда.

Ҳаёт бир жойда тўхтаб турмайди. Кеча мақолат тушган нарса бугун бизни қаноатлантирмаслиги, эртага эса мутлақо янги-ча ёндашуви тақозо этиши мумкин. Моддомики, касба уюшмалари моҳиятан меҳнаткашлар манфаатларига хизмат қилмоққа даъват этилган экан, бу ишда юзаклилик ва расмийчиликка йўл қўйиб бўлмайди. Ўзбекистон касба уюшмалари истиқлолнинг илк кунлариданоқ ўз зиммасидаги масъулиятли вазифани чуқур англаб, фаолият доирасини кенг олганлиги ҳам аслида шундан.

Бунда бизга чет эл касба уюшмалари иш тажрибаси жуда қўл келади. Зеро, давр ўзаро манфаатларга аниқ жавоб берадиган ҳамкорликни янги, янада юксак погоналарга кўтаришга ундамоқда. Японияга қилинган ўн беш кунлик сарф ҳам эзгу мақсадларимизга хизмат қилади, деган умиддамиз.

Элёр ЁҚУБОВ, Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси Кенгаши раиси ўринбосари.

Ҳаракат хавфсизлиги йўлингиз БЕХАТАР БЎЛСИН

Ҳар кун бирор юмуш билан автотранспортда юришга тўғри келади. Шунда раво йўлдан бир текис бораётган транспорт Сизни манзилингизга элиб қўйса, йўлсозларга тасаннолар айтасиз. Бу борада Нишон Автомобил йўллари бошқармаси жамоасининг олиб бораётган ишлари диққатга сазовордир.

Бошқармада ишчилари тўрт йилдан ўтувчи 306 километрни умумфойдаланув йўлларига хизмат қилади, — дейди бош муҳандис Холмис Назаров. — Хизмат кўрсатаётган автомобиль йўлларининг 215 километри давлат, 33 километри вилоят, 58 километри маҳаллий аҳамиятга эгадир. Йўлсозлар транспорт воситаларининг узлуқсиз ва хавф-хатарсиз ҳаракатланиши учун қулай шароитлар яратиб берганлар. Йўллар ўз вақтида таъмирланиб, йўл белгилари қўйилганига ҳайр-овқат қилиб айтаётган булар 58 миллион 101,7 миң сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Туман худудидан ўтувчи

йўллар асосан қўшни Туркманистон республикаси билан боғланади. Шу боис ҳар кун қарши-Дўстлик шоҳ кўчасидан қўллаб транспорт воситалари ҳаракатланади. Уларнинг хавфсиз ҳаракатини таъминлаш йўлсозлардан катта масъулият талаб қилади. Бундан аниқлаш йўлсозлар Давлат автомобиль назорати ходимлари билан биргаликда 34 та йўл белгиларини ўрнатди. 106 тасини алмаштирдилар. 76 та йўл устунчалари, 40 погонметр узунликдаги биринчи тоифали тўсиқлар ўрнатдилар. Умумфойдаланув йўллари жорий таъмирлаш учун 5691 миң сўм сарфланди.

Мамакатимизда йирик сонаот нуқтаси ҳисобланган

Газетхон тақлиф қилади

Юртбошимиз шу йил бошида халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгаши сессиясида сўзлаган нутқида кишлоқ хўжалигидаги қоқоқлик ва оқсабга алоҳида тўхталиб ўтган эди. Чиндан ҳам вилоятда етакчи тармоқ бўлган пахтачилик ва дончилик бора-бора камчиликлар деҳқонларни кўп йиллар-

ЎГИТ ДЎКОНИ ОЧИЛСА

дан бўён ўйлантириб келаятир. Шу боис ўз фикр-мулоҳазаларини ўртага ташламоқчиман. Давлат томонидан ҳар бир хўжаликдаги экинзорларга яраша минерал ўғит фронди ажратилади. Бу яхши. Лекин ана шу фонддан ажратилган ўғит тўлалигича эҳтиж кўрсатилмаганлиги сабабли давлат буюртмасига киритилган пахта ва дон экинчиларга солиш учун ажратилган минерал ўғитни ўғитлаш ёки қим қим биландир пинхона «қелишган» ҳолда олиб шахсий томорққа солинаётган ҳоллар ҳам учраб туради.

Шунинг учун республикаимиздаги тегишли вазирлик ва идоралар аҳоли шахсий томорқасини минерал ўғит билан таъминлаш мақсадида тегишли фондлар ажратилиши бўйича давлат дўконлари орқали сотишни йўлга қўйиш бора-бора йўлга қўришса, аини муддао бўлур эди.

Абдувоҳид КОДИРОВ, Бувайда тумани.

ЗИМБАБВЕ: ВАЗИЯТ ҲАМОН ЖИДДИЙ

ганида, вазият бунчалик кескин куч билан тортиб олганда, Бугунга келиб, уларнинг фарзандлари қувгинга учрамоқда. Ҳозир Зимбабведа 25 миң нафар оқ танли яшайди ва мамлакатдаги асосий унумдор ерлар улارга тегишли.

Мол-мулкидан айрилаётган фермерлар танг аҳволда қолаётди. Улар бола-чақасини тинчроқ худудларга жўнатмоқда. Айримлари Буюк Британиянинг Зимбабведаги элчионасига мурожаат қилиб, она юртига қайтиш учун ёрдам сураётди. Бироқ, Зимбабве тўғрисида ташлаб кетишга қўзи қий-маётганлар ҳам кўп. Биз шу ерда туғилиб ўсганмиз, биз ҳам зимбабвेलликмиз, демомда

улар. Давлат раҳбари эса уларни душман, деб атади. Кўзатувчилар Р.Мугабенинг бу гапи маҳаллий фуқаролар кўнглида сақланиб келаятир эски адоватни қучайтириб юборганини таъкидлаётди.

Замбия ва Мозамбик ҳукуматлари қувгинга учраётган оқ танли зимбабвेलликларни доимий яшаш учун ўз мамлакатига тақлиф қилди. Мозамбикнинг Маника вилоятга ҳокими Фелисиу Закариаш эса улар учун ярим миллион гектар ер ажратилади ва ҳақ берди. Унинг айтишича, ҳозир 150 нафар оқ танли фермер билан биргаликда музокара ўтказилмоқда. Улар яқин ойлар ичида бу ерларга бутунлай қўчиб келиши мумкин.

Равшан МАҲМУДОВ, ЎЗА шарҳловчиси.

